

**Тошкент давлат шарқшунослик университетининг
Кузатув кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу низом Тошкент давлат шарқшунослик университети Кузатув кенгаши (кейинги ўринларда Кузатув кенгаши деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

2. Кузатув кенгаши Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сон ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сон қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ҳамда молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасасининг (кейинги ўринларда Университет деб аталади) бошқарув органи ҳисобланади.

3. Кузатув кенгаши юридик шахс ҳисобланмайди ва давлат рўйхатидан ўтказилмайди. Кузатув кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

4. Кузатув кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек Университет Устави ва ушбу низомга мувофиқ амалга оширади.

5. Кузатув кенгаши таркибига вазирлик ва идоралар, кадрлар буюртмачиларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, жамоатчилик вакиллари, ҳомийлар, шунингдек Университет фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа юридик ва жисмоний шахслар кириши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига кирувчи молиявий мустақиллик берилган олий таълим

муассасаси Кузатув кенгашининг таркиби олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан тасдиқланади.

II. Кузатув кенгашининг вазифалари ва ваколатлари

7. Кузатув кенгашининг асосий ваколатлари қуйидагилардан иборат:

Университетнинг узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини тасдиқлаш, халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг юқори ўринларидан жой олиш бўйича мақсадли чора-тадбирларни белгилаш ҳамда унинг амалга оширилишини назорат қилиб бориш;

Университетнинг ўрта муддат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш, уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

таълим йўналишлари, мутахассисликлар ҳамда ихтисосликлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул параметрларини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Университет олдига қўйилган вазифалар ижроси, мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати бўйича ректор ва проректорлар фаолиятини ўрганиш ҳамда ахборотини эшитиш;

Университетнинг ички аудит ва молиявий назорат хизматига молиявий назорат ўтказиш учун қўшимча топшириқ бериш ҳамда назорат тадбирларининг натижаси юзасидан ҳисобот олиш;

Университетни ривожлантириш ва унинг молиявий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилоти кўринишида мақсадли капитал жамғармасини шакллантириш;

илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Университет инновацион ва бошқа жамғармалар маблағларини сарфлаш тартиби ва йўналишларини белгилаш;

Университет раҳбари ва ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчилари фаолиятига баҳо бериш, улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини (KPI) тасдиқлаш;

Университет ҳамда улар ҳузуридаги таълим ва илмий муассасаларнинг раҳбар ва ходимлари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек, хорижий мутахассислар учун меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва самарадорлик мезонларига асосланган рағбатлантириш тартибини белгилаш;

Университетнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини, шу жумладан харажатларнинг тақсимланиш улушини белгилаш.

Кузатув кенгаши амалдаги қонунчилик ҳужжатларига, мазкур низомга ва Университетнинг уставига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Кузатув кенгаши ўзига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида: Университетдан Кузатув кенгашига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур маълумотлар ва ахборотларни белгиланган тартибда олади;

Мазкур низом асосида тайёрланган Университет Кузатув кенгашининг Низомини тасдиқлайди;

Университетда кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Университет ректорига Университет ходимлари ва талабаларини моддий ва маънавий рағбатлантириш тўғрисида тавсияномалар беради.

III. Кузатув кенгаши таркиби, уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар

9. Кузатув кенгаши иштирок этишнинг ихтиёрийлиги ва Кузатув кенгаши ваколатига тегишли масалаларни ҳал этишда унинг барча аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари асосида шакллантирилади.

Кузатув кенгаши, қоидага кўра, Кузатув кенгаши раиси, раиснинг ўринбосари, котиб ва аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Кузатув кенгаши аъзоларининг сони тоқ бўлади. Кузатув кенгашининг шахсий таркиби ва раҳбариятидаги ўзгаришлар, қоидага кўра, бир йилда бир марта амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Университет ректори лавозимига кўра Кузатув кенгаши аъзоси ҳисобланади.

Университет ректори Кузатув кенгаши раиси этиб тайинланишига йўл қўйилмайди.

10. Кузатув кенгаши таркибининг камида 70 фоизи тегишли вазирлик, идоралар, кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлардан иборат бўлади.

Университет ректори ва проректорлари Кузатув кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

11. Кузатув кенгаши ўз ваколатларини Университет кенгашига топширишга, шунингдек, Университет кенгашига кирувчи ваколатларни ўз зиммасига олишга ҳақли эмас.

Кузатув кенгаши ўз ваколатларини Университет ректорига бериш ҳуқуқига эга эмас.

12. Кузатув кенгаши раиси:

Кузатув кенгаши мажлиси кун тартибини белгилайди ва уни чақиради;

Кузатув кенгаши қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Кузатув кенгашининг йиллик иш режасини тасдиқлайди, шунингдек Кузатув кенгашининг йиллик иш режаси бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни Кенгаш муҳокамасига қўяди;

Кузатув кенгаши аъзоларига юкланган вазифалар бажарилиши юзасидан уларнинг ишини мувофиқлаштиради;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда Кузатув кенгаши номидан вакиллик қилади;

Кузатув кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш учун бошқа ваколатларни амалга оширади.

13. Кузатув кенгаши раиси ўринбосарининг ваколатлари Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланади.

14. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгаши мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда қатнашиш;

Университетда (ҳамда унинг таркибидаги таълим ташкилотларида) таълим жараёнини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича Кузатув кенгашига таклифлар киритиш;

Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича хулоса тақдим этиш.

15. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши таркибида ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

Кузатув кенгаши аъзолари мажлисда шахсан қатнашиши керак. Бундай қатнашишнинг имкони бўлмаган тақдирда Кузатув кенгаши аъзоси мажлиснинг кун тартиби бўйича ўз фикрини Кузатув кенгашига ёзма равишда тақдим этишга ҳақлидир.

Кенгаш аъзоси кенгашнинг йиғилишларида сурункали 3 марта узрли сабабларсиз иштирок этмаган тақдирда, у Кенгаш аъзолари таркибидан чиқарилади.

16. Кузатув кенгаши котиби:

Кузатув кенгаши фаолиятини ташкилий-техник таъминлайди;

Кузатув кенгаши мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

мажлисни ўтказиш муддатлари ва жойини Кузатув кенгаши раиси (ҳамраиси) билан келишади;

кун тартиби масалалари бўйича Кузатув кенгаши мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Кузатув кенгаши аъзолари ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг санаси, кун тартиби лойиҳаси, мажлисни ўтказиш вақти ва жойидан хабардор қилади;

Кузатув кенгаши қарорлари бажарилиши мониторингини юритади;

Кузатув кенгаши баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни Кузатув кенгаши аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

Кузатув кенгаши котиби Кузатув кенгаши аъзоси ҳисобланади.

IV. Кузатув кенгаши фаолиятини ташкил этиш

17. Кузатув кенгашининг ваколатига тегишли масалалар бўйича қарорлар унинг мажлисларида қабул қилинади.

18. Кузатув кенгаши ўз ишини ўзи тасдиқлаган режа асосида амалга оширади. Кузатув кенгаши мажлиси заруриятга кўра, бироқ ҳар чоракда камида бир марта, зарур ҳолларда ахборот-коммуникация воситаларини қўллаган ҳолда масофавий тарзда, ўтказилади.

Кузатув кенгаши раиси томонидан кенгаш аъзоларининг ёзма илтимосномалари асосида навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин. Илтимосномаларда навбатдан ташқари мажлисни чақиришнинг сабаблари ва асослари баён қилиниши керак.

19. Кузатув кенгаши аъзолари масалани Кузатув кенгаши мажлиси кун тартибига киритиш тўғрисида ёзма таклиф юборишга ҳақлидир. Масалани кун тартибига киритиш тўғрисидаги таклифда масаланинг аниқ таърифи, маърузачининг фамилияси, исми ва отасининг исми, таклиф этилаётган қарор лойиҳаси ва Кузатув кенгаши мажлиси кун тартиби масаласи бўйича материаллар кўрсатилиши керак.

Узил-кесил кун таркиби Кузатув кенгаши мажлисида тасдиқланади.

Кузатув кенгаши мажлисида кун тартибида кўрсатилмаган масалалар кўриб чиқилмайди.

20. Кузатув кенгаши мажлисини Кузатув кенгаши раиси, у бўлмаган тақдирда эса – Кузатув кенгаши раисининг ўринбосари бошқаради.

Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашининг тайинланган аъзолари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат бўлиши керак.

Мажлисни ўтказиш учун кворум ёки раис ва унинг ўринбосари бўлмаганда Кузатув кенгаши мажлисини ўтказишнинг янги санаси эълон қилинади.

21. Кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, Университетнинг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари, бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

22. Кузатув кенгаши раисига Кузатув кенгаши мажлиси ўтказиладиган санагача камида 7 календар кундан кечикмай Кузатув кенгаши котиби томонидан:

Кузатув кенгаши мажлиси кун тартиби лойиҳаси;

Кузатув кенгаши мажлиси кун тартиби масалалари бўйича Кузатув кенгаши қарорлари лойиҳалари;

Кузатув кенгаши мажлиси кун тартиби масалалари бўйича ҳужжатлар ва ахборот материаллари тақдим этилади.

23. Кузатув кенгаши раиси ёки раис ўринбосари томонидан маъқулланган кун тартиби лойиҳаси ва тегишли материаллар Кузатув кенгаши мажлиси ўтказиладиган санагача беш кундан кечикмай Кузатув кенгаши аъзоларига юборилади.

Айни бир вақтда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига Кузатув кенгаши мажлиси ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома юборилади. Хабарнома электрон, факсимил алоқа, телефонограмма орқали ёки Кузатув кенгаши аъзосига шахсан топшириш йўли билан юборилиши мумкин ва Кузатув кенгаши мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

24. Кузатув кенгаши мажлисига ахборотлар (материаллар) Кузатув кенгашининг котиби томонидан Университетнинг тегишли бўлинмалари билан биргаликда тайёрланади.

25. Зарурият бўлганда Кузатув кенгаши мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва жой Кузатув кенгаши аъзолари кўпчилигининг розилиги билан ўзгартитилиши (ёки кечиктирилиши) мумкин.

26. Кузатув кенгаши мажлисида қарорлар кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлиси кун тартиби масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади. Кузатув кенгаши аъзолари овозлари тенг бўлган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Овознинг Кузатув кенгаши бир аъзоси томонидан Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига берилишига йўл қўйилмайди.

27. Қуйидаги масалалар бўйича қарор Кенгашнинг мажлисида қатнашган аъзоларининг камида тўртдан уч қисмининг овозлари билан қабул қилинади:

Университетнинг узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини тасдиқлаш;

Университетнинг узоқ ва ўрта муддат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш;

таълим йўналишлари, мутахассисликлар ҳамда ихтисосликлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул параметрларини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Университетнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини, шу жумладан харажатларнинг тақсимланиш улушини мустақил белгилаш.

28. Кузатув кенгаши мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси мажлис ўтказилган санадан бошлаб беш кундан кечикмай расмийлаштирилади.

29. Кузатув кенгаши мажлиси баённомасида:

мажлис ўтказилган жой ва вақт;

Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этган шахслар;

Кузатув кенгаши мажлисининг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар кўрсатилади.

30. Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси раислик қилувчи ва Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этган аъзолар томонидан имзоланади.

Кузатув кенгашининг сиртдан овоз берган аъзоларининг ёзма шаклда ифодаланган ва уларнинг ўз қўллари билан имзоланган фикри Кузатув кенгаши мажлиси баённомасига қўшиб қўйилади.

31. Кузатув кенгаши баённомалари асл нусхалари сақланишини Кузатув кенгаши котиби таъминлайди.

Баённомаларга хронологик тартибда тартиб рақамлари қўйилади, муфассал тартиб рақамига, алоҳида ҳужжатлар йиғма жилдига эга бўлади ва фойдаланиш чекланган ахборотларга эга бўлган ҳужжатлар учун белгиланган тартибда сақланади.

32. Кузатув кенгаши раиси (ҳамраиси) томонидан тасдиқланган мажлис баённомалари Кузатув кенгаши котиби томонидан улар тасдиқлангандан сўнг 5 кун ичида Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига юборилади.

33. Кузатув кенгаши баённомасининг асл нусхаси ва унинг материаллари Университетда сақланади.

Университетнинг ректори Кузатув кенгаши ҳужжатларининг белгиланган тартибда сақланиши учун жавобгардир.

34. Кузатув кенгаши котиби Кузатув кенгаши аъзоларининг ёрдамида Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда ўрганади ва кўриб чиқади, зарурият бўлганда, Кузатув кенгаши раисига (ҳамраисига) тегишли таклифлар киритади.

Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижро этилиш ҳолатини ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб боради.

35. Кузатув кенгашининг иш тартиби Кузатув кенгаши тасдиқлайдиган регламентда белгиланади.

V. Якуний қоидалар

36. Кузатув кенгаши ўз ваколати доирасига кирмайдиган ишларга аралашса ёки ўз вазифаларини тўлиқ таъминлай олмаса, ўрнатилган тартибда тарқатиб юборилади. Бунда, Кузатув кенгашининг янги таркиби мазкур

низомнинг 3 бобида назарда тутилган талаблар асосида қайта шакллантирилади.

37. Кузатув кенгаши аъзоларига мазкур низомда белгиланмаган ваколатларга эга бўлишларига, Университет ректорининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатларига аралashiшига йўл қўйилмайди.

38. Кузатув кенгашининг фаолиятига Университет ректори, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар аралашувига йўл қўйилмайди.

39. Мазкур низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

40. Мазкур низом тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради.

41. Мазкур низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Кузатув кенгаши қарори билан амалга оширилади.